

АКЦИЗ СОЛИҒИ

- Режа

- Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти ва бюджет даромадларида тутган ўрни.
- Акциз солиғини тўловчилар, солиқ объекти ва базаси.
- Акциз солиғи ставкалари ва ҳорижий давлатлар тажрибаси.
- Алоҳида товарлар бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғини ҳисоблаб чиқаришнинг хусусиятлари.
- Акциз тўланадиган товарлар рўйхати, солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби, солиқдан чегирма, солиқ даври ва ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби.
- Акциз тўланадиган товарларни акциз маркалари билан тамғалаш.

Ўзбекистонда акциз солиғи 1992 йилда қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда оборот солиғи ва сотувдан олинадиган ўрнига жорий этилган.

• Унинг қўшилган қиймат солиғидан фарқли томони шундаки, у айрим товарлар ва маҳсулотларни чегаралаб олган ва у бажариладиган иш, кўрсатилган хизматларга нисбатан қўлланилмайди. Акциз солиғи индивидуал характерга эга бўлиб, фақат акциз ости товарларга нисбатан қўлланилади.

Акциз солиғи қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базада ва нархда ҳисобга олиннадиган юклаб жўнатилган товарлар қийматининг бир қисмини эгри солиқ сифатида бюджетга ундириш шакли ҳисобланади.

• Акциз солиғи Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда салмоқли ўрин эгаллайди, жумладан, давлат бюджетининг солиқли даромадлари таркибида унинг улуши 2000 йилда 22,8%, 2006 йилда 19%, 2009 йилда 14,4 фоизни ташкил этган.

АКЦИЗ СОЛИҒИ ТЎЛОВЧИЛАР

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар;
- Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз тўланадиган товарларни импорт қилувчилар;
- оддий ширкат акциз тўланадиган товар ишлаб чиқарган тақдирда, оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериги (иштирокчиси).

СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТИ

- 1) акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан: товарни сотиш (жўнатиш);
- гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан топшириш;
- акциз тўланадиган товарларни бепул топшириш;
- акциз тўланадиган товарларни иш берувчи томонидан иш ҳақи ҳисобига ёлланган ходимга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда топшириш ёки ҳисобланган дивидендлар ҳисобига юридик шахснинг муассисига (иштирокчисига) топшириш;
- акциз тўланадиган товарларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун топшириш;

СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТИ

- 2) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали тариқасида ёхуд оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида топшириш;
- 3) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг иштирокчисига (муассисига) у юридик шахс таркибидан чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёки юридик шахс қайта ташкил этилганлиги, тугатилганлиги (банкротлиги) муносабати билан топшириш, шунингдек оддий ширкат шартномаси доирасида ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарларни мазкур шартнома шеригига (иштирокчисига) унинг шартнома иштирокчилари умумий мулкидаги мол-мулкдан улуши ажратиб берилган ёки бундай мол-мулк тақсимланган тақдирда топшириш;

СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТИ

- 4) акциз тўланадиган товарларни улуш қўшиш асосида қайта ишлашга топшириш, шунингдек улуш қўшиш асосида хом ашё ва материалларни, шу жумладан акциз тўланадиган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи томонидан қайта ишлашга берилган хом ашё ва материалларнинг мулкдорига топшириш;
- 5) ишлаб чиқарилган ва (ёки) қазиб олинган акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун топшириш;
- 6) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилиш.

АКЦИЗ СОЛИҒИ СОЛИНМАЙДИГАН ТОВАРЛАР

- 1) акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;
- 2) кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарти билан "божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга;

АКЦИЗ СОЛИҒИ СОЛИНМАЙДИГАН ТОВАРЛАР

- 3) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига:
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда инсонпарварлик ёрдами сифатида;
- давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан ҳайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган заёмлар (кредитлар) маблағлари ҳисобига, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарларни импорт қилишга;

АКЦИЗ СОЛИҒИ СОЛИНМАЙДИГАН ТОВАРЛАР

•4) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилишга. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан олиб кириш нормаларининг энг юқори чегараси қонун ҳужжатларида белгиланади;

АКЦИЗ СОЛИҒИ СОЛИНМАЙДИГАН ТОВАРЛАР

- 5) ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилишга.

СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН БАЗА

- Акциз солиғининг ставкалари мутлақ суммада (қатъий) белгиланган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажми асосида аниқланади.
- Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича, агар Скиннинг 232 моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг акциз солиғи ҳамда қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН БАЗА

•Иш ҳақи ҳисобига, ҳисоблаб чиқарилган дивидендлар ҳисобига, бепул ёки бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича, шунингдек товарлар таннархидан паст нархларда реализация қилинган тақдирда солиқ тўловчи товарларни топшириш пайтида унинг ҳақиқий таннархидан кам бўлмаган даражада белгилайдиган нарх асосида ҳисобланган қиймат солиқ солинадиган базадир.

СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН БАЗА

- Қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишлар қийматини ҳамда қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар қийматини ўз ичига олади.
- Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган импорт қилинаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган божхона қиймати асосида белгиланади.

СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ

- Акциз тўланадиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.
- Акциз солиғи ставкалари товарнинг қийматига нисбатан фоизларда (адвалор) ва (ёки) натурада ифодаланган ўлчов бирлигига мутлақ суммада (қатъий) белгиланади.

СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

- Акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш Солиқ Кодексининг 232-моддасига мувофиқ аниқланадиган солиқ солинадиган базадан ва акциз солиғининг белгиланган ставкаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

ҲОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ

- Францияда акцизлар товарларнинг натурал бирлигига нисбатан қатъий ставкаларда белгилаб қўйилган. Жумладан 1 литр вино учун акциз солиғининг ставкаси 22 сантимни, 1 литр шампан виноси учун акциз солиғи 55 сантимни, 1 литр пиво учун эса 19,5 сантимни ташкил қилади.

ҲОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ

- АҚШда акциз солиқлари Федерал аҳамиятга эга бўлган солиқ ҳисобланади. Лекин уларнинг давлат бюджети даромадларининг ҳажмидаги салмоғи нисбатан кичик. Акциз солиғи тамаки ва алкоғолли маҳсулотларга, транспорт хизматларига нисбатан жорий қилинган. Акциз солиғининг ставкаси 10 фоизни ташкил қилади.

ҲОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ

- Буюк Британияда акциз солиқлари эгри солиқларнинг таркибида салмоғига кўра ҚҚСдан кейинги ўринни эгаллайди. Акциз солиғи ёқилғи, алкоголь ва тамаки маҳсулотларига, транспорт воситалари ва хизматларига нисбатан жорий қилинган. Унинг ставкалари 10 фоиздан 30 фоизгача оралиқда тебранади.

ҲОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ

•Германияда акциз солиғи бўйича тушумларнинг асосий қисми Федерал бюджетга ўтказилади, фақат пивога нисбатан жорий қилинган акциз солиғи бўйича тушумлар федерал бюджетга келиб тушмайди. Акциз солиғининг ставкалари товарларнинг нотўғри бирлигига нисбатан фоизларда ва «евро»да белгиланган. Масалан суғурта битимлари бўйича акциз солиғининг ставкаси суғурта полиси суммасининг 12 фоизи миқдорида белгиланган. Шампан виносига нисбатан белгиланган солиқ ставкаси 0, 75 литр учун 2 еврони ташкил қилади.

СОЛИҚДАН ЧЕГИРМА

- Акциз тўланадиган товарлар олинаётганда ёки Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилинаётганда, агар мазкур товарлардан кейинчалик акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўланган акциз солиғи суммаси чегириб ташланади.
- Акциз тўланадиган товар (хом ашё) етказиб берувчилар мазкур товар (хом ашё) бўйича акциз солиғи суммасини ҳисобварақ-фактурада ажратиб кўрсатишлари керак. Олинаётган акциз тўланадиган товар (хом ашё) бўйича акциз солиғи суммаси ҳисобварақ-фактурада ажратиб кўрсатилмаган бўлса, акциз солиғининг мазкур суммаси чегириб ташланмайди.

СОЛИҚДАН ЧЕГИРМА

- Чегирма солиқ даврида реализация қилинган акциз тўланадиган товарлар ҳажмига тўғри келадиган акциз тўланадиган товар (хом ашё) ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланган акциз солиғининг ҳисобварақ-фактурада ёки божхона юк декларациясида кўрсатилган суммасига нисбатан амалга оширилади.
- Ушбу қоидалар қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан тайёрланган акциз тўланадиган товарлар топширилаётганда ҳам қайта ишлашга берилган акциз тўланадиган хом ашё ва материалларнинг мулкдори акциз солиғи тўлаганлигини тасдиқлаши шарти билан қўлланилади.

СОЛИҚ ДАВРИ

микрофирмалар ва кичик
корхоналар учун - йил
чораги;

микрофирмалар ва кичик
корхоналар жумласига
кирмайдиган солиқ
тўловчилар учун - бир
ой.

Ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби

акциз солиғи
тўловчилар бўлган
микрофирмалар ва
кичик корхоналар
томонидан - йилнинг
ҳар чорагида солиқ
давридан кейинги
ойнинг 25-кунидан
кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик
корхоналар жумласига
кирмайдиган солиқ
тўловчилар томонидан -
ҳар ойда солиқ давридан
кейинги ойнинг 25-
кунидан кечиктирмай
тақдим этилади.

Солиқ тўлаш тартиби

- ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммаси бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:
- жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;
- жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;
- келгуси ойнинг 3-кунидан кечиктирмай - ҳисобот ойнинг қолган кунлари учун.
- Импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Акциз тўланадиган товарларни акциз маркалари билан тамғалаш

•Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган, шунингдек унинг божхона ҳудудига импорт қилинадиган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда акциз маркалари билан тамғаланиши шарт.